Фаолият |

# Таълимнинг бугунги ютуқлари

## келажак пойдеворини мустаҳкамлайди

ЯҚИНДА Фарғона вилояти халқ таълими ходимлари ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги юбилейи куни Юртбошимиз энг замонавий 32-ўрта таълим мактабига ташриф буюрдилар. Мазкур таълим масканининг ҳайратбахш ҳашамати ва гўзал қиёфаси, янги авлод таълим-тарбияси учун бу ерда муҳайё этилган шароитлардан бир қувонсак, Президентимизнинг шахсан ўзлари келиб шодлигимизга шерик бўлишлари ва барчамизга омад тилаганликларидан бошимиз кўкка етди. Бу давлатимиз раҳбарининг келажак наслларимиз камоли ва бахту саодати учун қанчалик катта эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатаётганидан жонли далолатдир.



Дарҳақиқат, истиқлол йилларида халқ таълими тизимида амалга оширилган ислоҳотлар кўлами ва салмоғи, сифат ва самараси қанчалар юксак ва улуғвор тус олганлигини бугун барча кўриб турибди. Қаён боқманг, собиқ шўролар даврида одамларимизнинг ҳатто тушига кирмаган, тасаввур этишлари мумкин бўлмаган ажойиб-ғаройиб ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Кўзни яшнатувчи, ҳаяжонга солувчи бағоят гўзал ва шинам коллежлар, лицейлар, гимназия ва мактабларнинг қўр ташлаб турган салобатли бинолари! Бу бинолар ичида энг замонавий тарзда жиҳозланган, амалий машғулотлар учун мўлжалланган синф хоналари ҳамда лабораториялар, спорт ва жисмоний тарбия қурилмалари, ўқиш, ривожланиш учун муҳайё этиб қўйилган қулайликларни, имкониятларни айтмайсизми.

Таъкидлаш жоизки, Фарғона вилояти халқ таълими тизимидаги бу туб ўзгаришлар ҳам мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган тарихий ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир.

Турган гап, бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири – ҳар бир бола учун сифатли ва мазмунли таълим олиш, тафаккур дунёсини кенгайтира бориш ва ривожланиш имкониятларига йўл очиб берувчи кенгликни барпо этиш, уни асраш ва ривожлантиришдан иборатдир. Бу жараён, аввало, фидойи устозлар ҳамда мураббийларимизнинг машаққатли меҳнатлари, қолаверса, бутун жамоатчиликнинг бевосита фаоллик кўрсатишлари орқали амалга оширилади.

Айни пайтда вилоят умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларида таълим-тарбия олаётган 614 мингдан зиёд фарзандларимизга 50 минг нафар атрофида малакали педагоглар сабоқ беришмоқда. Саксон фоиздан кўпроғини олий маълумотлилар ташкил этаётган устозлар сафига минг нафарга яқин олий ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассислар келиб қўшилдилар.

Албатта, мактабгача тарбия муассасаларимизда ўз қалб қўрларини жажжи болакайларимизга улашиб, уларнинг соғлом ва бахтиёр ўсишларини таъминлаётган, илк тафаккур ва дунёқарашларини шакллантираётган муҳтарам мураббийларимиз ҳақида ҳам тўхталмоқ жоиз. Вилоятимиздаги 850 га яқин мактабгача таълим муассасалари ўз бағрига 77200 га яқин жажжи ўғил-қизларимизни қамраб олган, уларга 8700 нафар жонкуяр ва салоҳиятли мураббийлар таълим-тарбия беришмоқда.

Шу ўринда Қувадаги 42-ўрта таълим мактабининг математика ўқитувчиси Сирожиддин Турдиалиев, Учкўприк туманидаги 30-ўрта таълим мактабининг кимё-биология ўқитувчиси Ҳусанхўжа Акбаров, Фарғона шаҳридаги "Шодлик" боғча-мактаб мажмуаси директори Александра Ходжаева сингари яна кўплаб машъалларимизни қайд этиш қувончлидир.

2004-2009 йилларда мактаб тизимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга кенг жорий этилиши таълим соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаётир. Натижада мактабларимизнинг моддий-техник имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компютер техникаси ва адабиётлар билан таъминлаш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларига янада кенгроқ, жиддийроқ эътибор қаратилмоқда.

Янги мактаблар қуриш, борларини қайта реконструкция қилиш ёхуд жорий таъмирдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар қўламига қисқача назар ташлаб қўяйлик. Жорий йилги манзилли дастурга киритилган 164 та мактаб ўз қиёфасини батамом ўзгартирди, дейиш мумкин. Масалан Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда туманларимизда виқор билан қад кўтариб турган мактаблар жамоли, юқорида айтганимиздек, кўзни қувонтиради.

Давлат дастури асосида бюджетдан ажратилган жами 24 миллиард 742,6 миллион сўмдан ташқари, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, мактаб жамоаси ҳамда ҳомийлар томонидан кўрсатилган ёрдам ҳам анча салмоқли бўлганлигини қайд этиш лозим.

Галдаги вазифа Давлат дастурига киритилган умумтаълим мактабларининг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг уларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлашдан иборат эди. Ана шу мақсадлар учун ҳам давлатимиз томонидан миллиардлаб сўм маблағ ажратилаётгани бу борадаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлиб турибди. Айни пайтда мактабларимизни компьютер билан таъминлаш жадал бораётгани ва бу кўрсаткич юз фоизга яқинлашиб қолганини қайд этиш ҳам ўринлидир.

Анъанага айланиб қолган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари, халқаро ва маънавият-маърифат йўналишидаги республика мусобақалари, «Сиз қонунни биласизми?», «Ёш истеъмолчилар ҳуқуқи», «Ўзбекистон қўшиқ байрами» каби кўрик-танловларда фарғоналик ўқувчилар ғолиб сифатида эътироф этилаётгани вилоятимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқорилигидан нишонадир.

Умумтаълим мактаблари болалар спортини ривожлантиришда муҳим бўғин ҳисобланади. Бу соҳадаги ишларни тарғибот-ташвиқот қилиш ва оммалаштириш мақсадида вилоятда етарли спорт моддий-техника базаси яратилган. Ўқувчиларни дарсдан ташқари спорт секцияларига жалб қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётгани боис, бу борадаги кўрсаткичимиз кутилганидан самаралироқ бўлаётир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда вилоятимиз халқ таълими ходимлари 2007-2008 ўқув йилини чуқур масъулият ҳисси билан бошладилар. Белгилаб олинган асосий вазифаларга янги ўқув йилида таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни янаям кенгроқ жорий этиш орқали ўқувчиларнинг билим савиясини, малака ва кўникмаларини ошириш, уларда мустақиллик ғоялари ва мафкурасини шакллантириш, она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат туйғусини сингдириш, халққа садоқат руҳида тарбиялаш, миллатимизнинг азалий ва қадимий анъаналарини, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларини эъзозлаш каби масалалар ўрин олган.

Биз бугун муҳтарам ўқитувчиларимиз ва мураббийларимизнинг касб байрамлари арафасида таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш ва навқирон ёшларимиз келажаги учун масъулият ҳисси ҳақида гап юритарканмиз, ҳар биримиз ўз олдимизга: «Президентимиз давр талаблари даражасида ишлашимиз учун шунчалик катта шарт-шароитларни яратиб турган бир чоғда мен ўз бурчимни оқлай оляпманми?» деган саволни қўйиб шунга яраша меҳнат қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЭЛУ ЮРТ фарзандларининг эртанги тақдири маълум даражада ўқитувчиларга ҳам ишониб топширилибдими, демак, ана шу масъулиятни ҳамиша дилдан ҳис этиб яшаш, меҳнат қилиш, изланиш зарур. Чунки буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат масаласидир», — дея бежиз айтмаган эди.

Ўқитувчи ва мураббий устозларимиз чеҳрасини мунавварлик тарк этмасин, фарзандларимиз учун улар билим ва зиё манбаи, турмуш тарзи ва умр йўллари эса чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаверсин.

**Муҳаммаджон ХЎЖАЕВ,**
**Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.** ®


# Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси жамоаси



Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги эгалари — янги авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда фидойилик кўрсатаётган юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан қизғин табриклайди.








Озод ва обод Ватанимиз осмони ҳамиша беғубор бўлсин. Элу юрт равнақи ва фарзандларимиз бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бундан-да ортаверсин. Хонадонларимизда фаровонлик, фарзандларимиз иқболи мунаввар бўлсин!


Дараклар |

## Хитой суратлари Нью-Йоркни забт этмоқда

**Нью-Йоркдаги Sotheby's кимошди уйида ўтказилган санъат асарлари савдосида Хитой тасвирий санъат усталари томонидан яратилган асарлар рекорд баҳоларда сотилди.**



Рассом Чжан Сяоганнинг 1995 йилда чизилган «Оғайни» деб номланган сурати энг юқори баҳо — 2,5 миллион долларга пулланди. Лекин мазкур нарх бир неча соатгагина рекорд натижа сифатида қайд этилди, холос. Кейинги савдоларда айни шу рассомнинг «Хитой халқ республикасининг туғилиши» сурати 3,06 миллион долларга баҳоланди. Ҳар иккала суратни харид қилган мижознинг номи унинг илтимосига биноан оммага ошкор этилмади.

Шунингдек, кимошди жараёнида яна бир хитойлик тасвирий санъат устаси Фан Лицзюнга ҳам омад кулиб боқди. Рассом «98.10.1» полотносини 1,7 миллион АҚШ долларига сотишга муваффақ бўлди.

Нью-Йоркда ўтган савдолар чоғида жами 38,45 миллион АҚШ долларилик санъат асарлари сотилди.

## Порахўрликда гумон қилиняпти

**Латвия бош прокуратураси мамлакат парламенти спикери Индулис Эмсисга қарши жиноий иш қўзғади. У пора олганлик ва сохта гувоҳлик бериш жиноятларида гумон қилинмоқда.**

Ҳаммаси 2006 йилнинг кузида бошланди. Мамлакат парламенти спикери ҳукумат биносида ичида ўн минг доллар бўлган портфелини унутиб қолдирди. Бу воқеа Латвияда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан сўроқ қилинган спикер портфелдаги пулни... трактор сотиб олиш учун танишидан олганини маълум қилди.

Бироқ бу орада Венгспил шаҳри мэри Айвар Лембергс парламент депутатларига пора беришда айбланиб ҳибсга олинди. Прокуратура тахминига кўра, ҳукумат биносидан топилган 10 минг АҚШ доллари ҳам А. Лембергс томонидан берилган бўлиши мумкин.



## Японияниниг янги бош вазири

**Давлат бошқарувини назорат қилиб турган Япония Либерал-демократик партияси мамлакатнинг янги бош вазирини сайлади. Партиядошларининг 330 овозини олган 71 ёшли Ятсуо Фукуда ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллади.**



Иккинчи номзод – мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Таро Асо эса бор-йўғи 197 овоз тўплашга муваффақ бўлди.

Эндиликда Ятсуо Фукуда номзоди парламентда тасдиқланиши керак. Бироқ кузатувчилар қонунчилик идорасида Либерал-демократик партия кўпчиликни ташкил этаётган шароитда бу жараён шунчаки расмиятчилик учун ўтишини айтишмоқда.

Ятсуо Фукуда уч ярим йил давомида Дзюнитиро Коидзуми ҳукуматида бош котиб лавозимида хизмат қилган. Коидзумининг энг яқин маслаҳатчиси сифатида у бош вазирнинг вориси бўлиши кутилган, лекин 2004 йилда пенсия таъминоти билан боғлиқ можаролар туфайли истеъфога чиққан эди.

Эслатиб ўтамиз, Япония ҳукуматини 2006 йилдан бошқариб келган Синдзо Абэ шу йилнинг 12 сентябрь куни ўз ихтиёри билан лавозимини тарк этди. У ўз қарорини давлат бошқарувидан чарчагани ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал эта олмаётгани билан изоҳлаган.

## Уяли телефон автоҳалокат хавфини оширади

**Уяли телефонда гаплашган ҳолда автомобиль бошқариш маст ҳолда рулга ўтиришдан ҳам хавфлироқ экан.**

Буюк Британиянинг Транспорт тадқиқотлари лабораторияси изланишлардан кейин ана шундай хулосага келди.

Тадқиқот жараёнида уяли телефонда сўзлашиш автоҳалокат хавфини тўрт бараварга ошириши маълум бўлди. Тадқиқотларга кўра, телефонда суҳбатлашиб кетаётган пайтда ҳайдовчининг кутилмаган ҳодисаларга реакция билдириш муддати 50 фоизга ошади. Алкоголь ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчининг реакция вақти эса 30 фоизни ташкил этади. Шунга асосланиб, инглиз олимлари мобил алоқадан фойдаланган ҳолда автомобиль бошқариш спиртли ичимлик истеъмол қилгандан ҳам хатарлироқ деган тўхтамга келишди.



ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Шарҳ |

## «Энг яхши ҳимоя...»

### Европа Иттифоқи энергия бозорини Россия компанияларидан муҳофаза қилишга уриняпти

Европа Иттифоқи Россия билан муносабатларда эҳтиёткорликни афзал билиб келган. Зиддиятларга асос кўп бўлса-да, Брюсселнинг Кремлга нисбатан бағрикенглик сиёсатини юритиб келгани бежиз эмас: Европа ижтимоий-иқтисодий соҳа учун сув ва ҳаводай зарур бўлган газнинг катта қисмини айнан Россиядан сотиб олади. Бироқ шу кунларда вазият кутилмаган томонга ўзгариб, Европа Иттифоқи эҳтиёткорлик сиёсатидан кескин ҳаракат йўналишига ўтаётгани ошкора намоён бўлмоқда.



Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозу

ЎТГАН ҲАФТА Европа Комиссияси (ЕИнинг ижроия идораси) газ ва электр энергия бозорини тартибга солувчи бешта қонун лойиҳасини Европарламентга тақдим этди. Янги ҳужжатлар Иттифоқнинг электр энергия бозорини тартибга солиш, хусусан, ушбу йўналишда ишлаб келаётган гигант компаниялар фаолиятини алоҳида қисмларга ажратишни кўзда тутади. Еврокомиссия бу билан монопол мавқедаги компаниялар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда рақобат муҳитини юзага келтиришни кўзламоқда.

Мазкур шартлар Европа Иттифоқига жуда катта миқдорда газ етказиб берадиган Россия давлатига, хусусан, «Газпром» компаниясига қаратилганини қонун ижодкори — Еврокомиссия раҳбарияти ҳам яширмаяпти. Мазкур ташкилот раиси Жозе Мануэл Баррозу ЕИ ҳамкорлар учун очиқ экани, лекин очиқ бозорни ҳам ҳимоя қилишга тўғри келаётганини таъкидлаган.

Агар эътибор берилса, охирги йилларда «Газпром» томонидан ЕИга экспорт қилинаётган энергия манбаси миқдори барқарор ўсиб бораётганини кўриш мумкин. Европа иқтисоди Россия энергиясига боғлиқ бўлиб қолган бир вазиятда, табиийки, Кремлнинг таъсири ҳам ошиб боряпти. Аслида Брюссель расмийларини хавотирга солган ва ҳаракатга ундаган сабаб ҳам шу — ЕИнинг энергия масаласи Москва учун сиёсий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб қолишидан ташвишланаяпти.

Ҳозирча тасдиқланмаган янги тартибга кўра, «Газпром» ҳам газ ишлаб чиқариш ва етказиш тизимини ажратиши керак. Айни пайтда рус компанияси 155 минг км. га чўзилган улкан газ қувурлари тизимига эгалик қилади. Дунёнинг катта қисмини қамраб олган ушбу яхлит тизимни бўлиб ташлаш эса компания манфаатларига тўғри келавермайди.

МАВЖУД ТАРТИБга кўра, ижроия идораси таклиф қилган қонунлар кучга кириши учун улар Европарламент ва Европа Кенгаши томонидан тасдиқланиши керак. Ҳужжатлар ҳали юридик кучга эга бўлмаса-да, Европанинг энергияга муҳтож бўлиб турган пайтда таваккалга қўл ургани, энг асосий ҳамкорига ошкора чақириқ билан мурожаат этгани ҳайратланарли бўлди.

Футболда «энг яхши ҳимоя ҳужум» тамойили олтин қоида саналади. Спортдаги беозор бу қоида айрим пайтларда катта сиёсатда ҳам қўлланилади. Жозе Мануэл Баррозу бошчилигидаги Еврокомиссиянинг ҳаракатларини ҳам ана шу тамойил билан изоҳлаш мумкин. Энергия бозори тўғрисидаги лойиҳалар билан ЕИ рус газисиз ҳам яшай олиши мумкин деган даъвони исботламоқчи.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

2007-yil 26-sentabr
HURRIYAT Mustaqil gazeta O'zingni angla!

Мулоҳаза

# Насибамиз улуғ бўлсин

**Оламда шундай гуллар борки, улардан кўз узгинг келмайди. Кўнгил узгинг келмайди. Ҳидлаб тўймайсан. Ҳидлаб қўймайсан. Бирам хўшбўй, бирам муаттарки, таърифига сўз тополмайсан киши. Бундай гуллар ҳадя этган гўзаллик қалбингни ғуборлару ғам-андуҳлардан фориғ этади. Унга ором, қувонч, қувват ва чирой беради. Руҳингга тиниқлик, нур ва ҳарорат киритади. Кўзларингга гулнинг гўзаллиги, гулнинг жозибаси, нафислигию табассуми кўчади.**

Оламда яна бир ис борки, у ҳар қандай чиройли гулнинг ҳидидан ҳам ўткир ва жуда-жуда ёқимлидир. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ер юзининг барча жойида бир хилда таралადиган бу ис одамзоднинг катта-ю кичигини ўзига доим чорлаб, мафтун этиб туради. Бу — Нон иси. Зотан, дунёда инсон учун нондан, нон исидан, нон мазасидан азиз нарса йўқ. Чунки нон инсон истеъмол қиладиган неъматларнинг султони, жон озиғи, тириклик муждаси.

Нон — мамлакатимиз, жамият ва оиламизнинг тинчлик-хотиржамлиги, қудрати, бойлиги, файзу баракаси, шоду хуррамлиги, бахти-ю бахтиёрлиги.

Нон — байрамларимиз, тўй ва маъракаларимизда дастурхонларимизнинг кўрки, зийнати, бутлиги, бутунлиги.

Шу боис ҳам ҳаётимизни, турмуш-турмушимизни, хайрли ишларимизни нонсиз тасаввур этолмаймиз. Дастурхонимизда ҳамма ноз-неъмат бўлса-ю, нон бўлмаса, кемтик бўлиб туради. Нон ушатилиб, бир-биримизга "Қани, марҳамат!" деганимизда Аллоҳнинг буюк неъматига энг аввало катталар қўл узатадилар. Кейин эса ёшлар. Шубҳасизки, бу ёшларнинг нафақат каталарга, балки нонга бўлган чексиз ҳурмати ҳамдир.

Ана шундай давраларнинг бирида маҳалламиз оқсоқоли Мажид ота қаҳатчилик йилларининг азоб-уқубатларини кўзларида ёш билан эслаб, бир тишлам нон топиш қанчалик машаққат бўлганлигини сўзлаганлари сира ёдимдан чиқмайди.

— Ўтган асримизнинг 50-йилларида бирдан нон тортилиб қолса бўладими, — дея ҳикоя қила бошлади отахон. — Омборлар ҳам, дўконлар ҳам шипшийдам бўлиб қолганди. Шу даражага етдик, ҳаттоки бу жойларга чумоли ҳам кирмай қўйди. Дўконларга кунига бир марта келадиган қора нонга юзлаб одам кўз тикиб турарди. Олган олиб қолади. Ололмаган тилини тишлаб қолаверарди. Ана яхши бўлар, мана яхши бўлар билан қаҳатчилик ботқоғига ботдик. Шундай бир пайтда ўғлимни ҳарбийга оладиган бўлди. Кетадиган куни одатимизга кўра кулча тишлатиб, насибасини олиб қўяйлик десак, нон йўқ. Қўни-қўшнилардан олайлик десак, уларнинг ҳам аҳволи бизникидан яхши эмас. Кампиримнинг эзилиб-эзилиб йиғлаганини айтмайсизми?! Шўрлик ўғлим бизни юпатиш билан овора. Хулласи калом, ўғлим нон тишламасдан ҳарбийга кетди.

Мана, энди бугунги замонамизга қаранг. Етти ухлаб тушимизга кирмаган кунларни кўряпмиз. Мустақилликда гап кўп экан-да. Ота бир хўрсиниб олиб, яна гапида давом этдилар.

— Мақсад шуки, биз ҳам, ёшларимиз ҳам Мустақилликнинг, Озодликнинг, Ҳурриятнинг қадрига етишимиз керак. Бу — тинимсиз ўқиш, ўрганиш, дунёвий билимларни эгаллаш, қуриш, яратиш дегани. Агар ўқувчи ва талаба аъло баҳода ўқимаса, қурувчи пойдевори бақувват, ҳайратли бинолар барпо этмаса, олим оламшумул кашфиёт қилмаса, деҳқон даласини яшнатишга интилмаса, раҳбар ҳалол ишламаса, кўп нарсани бой беришимиз мумкин. Бой бермаслик учун эса қарс икки қўлдан деганларидек, бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилишимиз, бир-биримиздан ёрдамимизни аямаслигимиз ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Шундагина насибамиз бутун ва улуғ бўлади. Мана, бир мисол: менинг Равшан исмли ўша кулча тишламай ҳарбийга кетган ўғлим бугун фермер. Салкам юз гектар ернинг эгаси. Ҳар йили хирмон-хирмон дон етиштиради, хирмон-хирмон пахта уяди. Даромади ҳам шунга яраша. Ишқилиб, ўзига тўқ. Фарзандлари ўқияпти, ишлаяпти. Енгил машинаси бор. Тўйлар қиляпти. Шукрки, уйимизда ғалламиз ҳам, унимиз ҳам, нонимиз ҳам етарли. Албатта, буларнинг ҳаммаси тинчликнинг шарофати. Мустақиллик берган имкониятнинг ҳосили. Бахт дегани мана шу.



Лекин буни ҳамма ҳам қадрлаяпти, қадрига етяпти дейиш қийин. Ҳали ҳам ноннинг бир ушоғини исроф қилмаслик кераклигини, бу бир гуноҳи азим эканлигини тушунмайдиганлар йўқ эмас. Яқинда бир дўстимизнинг тўйида бўлдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ноз-неъматларга тўла дастурхонда нон керак, нокерак ушатиб ташланганди. Биз ўтиришимиз билан мезбон яна ширмон кулча келтириб ушата бошлади. Барака топгур, қўйинг ушатманг, десак ҳам унамайди. Нон устига нон синдириб:

— Худога шукр, нон кўп. Азиз меҳмонга от билан туя сўяётганимиз йўқ-ку. Бор-йўғи нон синдиряпмиз, холос, — дейди.

Бу гап менинг юрагимга игнадек санчилди. Қаттиқ ранжидим. Аммо тўй бўлганлиги учун тилимни тийдим. Тушунган бўлсангиз, мезбон «от билан туя»ни нондан устун қўйяпти. Ёки ана шу улуғ неъмат қадрига у қадар баҳо бермаяпти. Шукроналик ҳисси билан сўз юритмаяпти. Бу мутлақо нотўғри. Ахир инсоннинг инсонлиги унинг шукроналик билан нонни эъзозлашида, ана шу буюк неъматга эҳтиром кўрсатишида, уни исроф қилмаслигида эмасми?! Демак, ноннинг муқаддасу мукаррамлиги, энг улуғ, энг азиз неъмат эканлиги ҳақида ҳали кўп гапиришимиз лозим экан.

Бу гаплар ҳар биримизни ўйлантириши керакка ўхшайди. Ахир, чиндан ҳам, тўй-ҳашамларда, маъракаю маросимларда, овқатланиш муассасаларида не-не машаққатлар билан яратилган нонни исроф қилиш ҳоллари учрамоқда. Бу шунчаки айтиб қўядиган масала эмас. Бу нуқсондан қутулишда ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб ҳисса қўшишлари керак. Аммо бу борадаги ҳар қандай тадбир мавсумий бўлиб қолмаслиги лозим. Аксинча, нон ва унинг муқаддас неъмат эканлиги, уни эъзозлашимиз зарурлиги ҳамиша дилимизда ва тилимизда бўлиши лозим.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**
**журналист.**

Дунёнинг ишлари

# Қобилият кучли бўлса

## омад кулиб боқиши ҳеч гап эмас

***Инсон жамиятда ўз ўрнини топиши учун, албатта, олий маълумотга эга бўлиши, диплом олиши керак. Бу кўпчилик мутахассисларнинг баҳоси. Бироқ сайёрамиз миллиардерлари рўйхатига назар ташлаганда, бой-бадавлат одамларнинг айримлари олий маълумотни берувчи дипломга эга эмасликларини кўриш мумкин.***

Сайёрамизнинг энг бадавлат фуқароларидан бири **Билл Гейтс** 1973 йили АҚШдаги энг нуфузли олий таълим даргоҳи — Гарвард университетига ўқишга кирди. Бунга қадар бир қанча янги ахборот дастурлари яратиб, тузуккина даромадга эга бўлган бўлажак миллиардерни университетдаги таҳсил ўзига жалб эта олмади. Билл Гейтс университетда асосий вақтини компьютер хоналарида ўтказар, бошқа дарсларда қатнашиш бўлғуси ахборот бозори қиролининг хаёлига ҳам келмасди. Бу орада у Пол Аллен исмли ўзи каби компьютер "жинни"си бўлган йигит билан танишди (Орадан кўп вақт ҳам ўтмай, Билл Гейтс ана шу дўсти билан машҳур Microsoft компаниясига асос солди). Ота-онасининг мажбурлаши билан Гейтс Гарвардда амаллаб икки йилни ўтказди. Бироқ кейинчалик дастурлар яратиш борасидаги ишларига университет таҳсили халақит бера бошлади. Шу тариқа Microsoftнинг бўлажак раҳбари 1975 йили бутун дунё ёшлари ўқишни орзу қиладиган университетни ўз ихтиёри билан ташлаб кетди...

Дарвоқе, Гарвард университети раҳбарияти Microsoft раҳбарининг мамлакат тараққиётига қўшган катта ҳиссасини инобатга олиб, 32 йилдан кейин унга олий маълумот тўғрисидаги дипломни тақдим этди.

Apple компаниясининг хўжайини **Стив Жобс** ҳам ҳалигача олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга эмас. Уни бир замонлар АҚШдаги коллежлардан бири ўқишдан ҳайдаб юборган эди. Бироқ коллеж ҳужжатисиз ҳам С. Жобс дунёга машҳур ахборот технологиялари компаниясини ташкил этишга муваффақ бўлди. Айни пайтда Apple компанияси раҳбари 5,7 миллиард доллар бойликка эгалик қилади.

Oracle компанияси жаҳондаги етакчи технология корхоналаридан бири саналади. Қизиғи, ушбу компания раҳбари **Лоурэнс Эллисон** ҳам бирор-бир олий ўқув юртини тугатмаган. Йигитлик даврларида Иллинойс университетига ўқишга кирган Эллисон қийинчиликлар туфайли ўқишни тугата олмаганди. Шунга қарамай, бугун унинг ҳисоб рақамида 21,5 миллиард доллар маблағ бор.

Дунёнинг энг бой кишилари рўйхатида олтинчи ўринни банд этган **Шелдон Адельсон**нинг ҳаётда бирор-бир камчилиги йўқ. Аммо қолган дўстлари каби унда ҳам шу олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат етишмайди, холос. Шунга қарамай, Ш. Адельсон дипломсиз ҳам 26,5 миллиард доллар ишлаб топишнинг уддасидан чиқа олди.

Испаниялик ишбилармон **Омансио Ортега** ҳам олий маълумотсиз 24 миллиард доллар бойлик тўплади. Бу омад, давлат деганлари дипломга қараб ўтирмаслигини россиялик **Роман Абрамович** мисолида ҳам кўриш мумкин. Ухтинск саноат институтини охиригача тугата олмаган миллиардер бизнес оламига жуда эрта кириб келди ва катта давлат орттирди.

***Албатта, инсон олий маълумот ва дипломсиз қобилияти, ғайрат-шижоати билан жамиятда ўз ўрнини топиши, жуда катта бойлик тўплаши мумкин экан. Бироқ бу келтирилган мисоллар олий маълумотсиз ҳам юксак натижаларга эришиш мумкин деган ягона хулосани бермайди. Бизнингча, жаҳон миллиардерлари ҳаётидан келтирилган ушбу далиллар ҳам олий маълумот, ҳам қобилият уйғунлашса инсон бундан-да катта натижаларга эришиши мумкинлигини кўрсатади.***

**Абдул СОБИР**

Мутолаа

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти бухоролик ёзувчи Рашид Аслоновнинг «Соғиниб яшайман» тўпламини чоп этди**

# Соғиниб яшаш бахти



...Гўзаллик, шеърият Рашид Аслоновда ёшлигидан иштиёқ уйғотди. Шу боисдан у ўзини мафтун этган ҳаёт ҳиссиётларини қалам тутиб жиловлашга уринди. Рашид Аслонов ижодининг ўзига хос томонлари бор: у кўпроқ дунёнинг қадимий, тарихий кечмишлари синовидан ўтган қирраларига мурожаат қилади. Уларнинг олмос зарраларини қалб тафти билан ёритишга уринади. Истеъдодли ижодкор Рашид Аслоновнинг янги "Соғиниб яшайман" китобига киритилган ҳикояларига инсон қалбининг турфа манзараларини, нур ва сояларини, туйғуларининг ҳиссий жунбуш оғушидаги гоҳ дардчил, гоҳ фарахбахш ва гоҳ кўҳли кечинмаларини бадиий муҳрлайди. Китобнинг мундарижаси ранг-баранг. Унда сиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган аскар онасининг соғинч-изтиробларини, бефарзанд аёл қалб туғёнини, эзгулик билан қабиҳлик ўртасидаги тўқнашув ва севги-муҳаббатга йўғрилган ҳикоя, шеърларни ўқишингиз мумкин. Унинг адабий аҳолиси ўзлигини таниш ва ўзлигига содиқ қолиш кишиси, фаол сафарбарлик одами. Онг ва туйғу ҳаракатининг мураккаб фаолиятларини адиб ана шундай қутлуғ интилишнинг, руҳий-маънавий изланишларнинг, психологик инжа кечинмаларнинг суратлари билан безашга интилади. "Соғиниб яшайман" китобидаги энг мукаммал хикояларидан бири, шубҳасиз, "Қадр" саналади. Тарас темирчи дангалликни хуш кўрадиган одам. Ҳалол ризқ-рўз топади, ҳалол яшайди. Фикрлари ҳам теран, ўйлари ҳам. Гапбозликни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам темирчи номидан айтилган гапларда ясамалик йўқ. Кўнгли очиқ, йўли бехатар, кўкси ялангтўш инсон қиёфаси сизга тобора тиниқлашиб кўриниб бораверади. Муаллиф қаҳрамонни аниқ танийди. Унинг феъл-атвори ҳақидаги бу қадар ярашиқли таассурот сизни уста Тарасга ошно қилади. Унинг иши ўнгидан келишини хоҳлайсиз. Устанинг тошкўмир ҳиди аралаш димиққан ҳаво уфуриб турган устахонасига бош суқсангиз, у билан оқибат, юз-хотир ҳақида тўлиб-тошиб гаплашгингиз келади. Уста Тараснинг ғашлик ўралган кўнглини кўтаришни хоҳлайсиз. Муаллиф ўз қаҳрамонининг тоза қалбига, кенг феълига одамларга ўрганиб қолган кўнглига саёҳат қилдириб, сизнинг ҳам дилингизни очади. Сиз сезасиз: тўғрилик йўли — рост йўл. Сиз ҳис қиласиз — ҳақнинг тили қисиқ эмас, адолатнинг йўли ойдин.

Ёзувчи характер яратар экан, баландпарвоз, ясама сўзлардан қочади. Айниқса, "Қадр" ҳикояси содда самимий, айни пайтда ҳақгўй тилда ёзилгани билан ёдда қоларли. Китобдаги "Кўзлар сўзлашади", "Қор гуппиллаб ёққанда", "Момақалдироқ", "Аёл қалби", "Номус", "Тўқнашув" сингари ҳикоялари ҳам тасвирлардаги илиқ ҳарорат туфайли сизнинг кўнгил мулкингизга айланади. Ошнолик ва ташналик руҳиятингизга қоришиб кетади. Халқимиз ўзлигини, дунёсини еру заминини, ўтмишу бугунини таний бошлаган, ўз хотирасини теран англаш туйғуси билан яшай бошлаган шу инқилобий кунларда мазкур маънавий-адабий изланишлар қадр-қиммат топишига шубҳа йўқ.

**Бахтиёр АДИЗОВ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

Спорт

# «Пахтакор»нинг мағлубиятсиз мавсуми

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати 21-тур учрашувлари ортда қолди. Нафақат ушбу турнинг, балки мавсумнинг марказий ўйини ҳисобланган учрашув пойтахтимизда бўлиб ўтди. Унда «Пахтакор» — «Қурувчи» жамоалари ўзаро куч синашди.**



Мазкур жамоаларнинг биринчи даврада ўтган баҳсида 1:1 ҳисоби қайд этилганди. Бу гал ҳам худди шундай натижа такрорланди. Фақат жамоалар ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди — 0:0.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу йилги мавсумда пахтакорчилар ҳали бирон марта ҳам мағлубиятга учрашмаган.

**Йигирма биринчи турдан кейинги вазият**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Пахтакор» | 21 | 18 | 3 | 0 | 53-7 | 57 |
| 2.«Қурувчи» | 21 | 15 | 5 | 1 | 39-9 | 50 |
| 3.«Машъал» | 21 | 15 | 3 | 3 | 44-17 | 48 |
| 4. «Нефтчи» | 21 | 14 | 3 | 4 | 37-19 | 45 |
| 5.«Қизилқум-Олтин» | 21 | 11 | 3 | 7 | 53-28 | 36 |
| 6.«Самарқанд-Д» | 21 | 9 | 7 | 5 | 33-27 | 34 |
| 7.«Навбаҳор-Н» | 21 | 8 | 4 | 9 | 31-29 | 28 |
| 8.«Трактор» | 21 | 9 | 1 | 11 | 33-36 | 28 |
| 9.«Андижон-ЎзДЭУавто» | 21 | 8 | 4 | 9 | 28-32 | 28 |
| 10.«Насаф» | 21 | 7 | 5 | 9 | 26-29 | 26 |
| 11.«Бухоро» | 21 | 7 | 3 | 11 | 16-27 | 24 |
| 12.«Шўртан» | 21 | 5 | 3 | 13 | 22-39 | 18 |
| 13.«Тўпаланг» | 21 | 4 | 4 | 13 | 17-33 | 16 |
| 14.«Вобкент» | 21 | 3 | 5 | 13 | 16-46 | 14 |
| 15.«Локомотив» | 21 | 2 | 5 | 14 | 15-37 | 11 |
| 16.«Металлург» | 21 | 2 | 4 | 15 | 21-49 | 10 |

«Самарқанд-Динамо» — «Нефтчи» футболчилари ўртасида кечган ўйин ҳам мухлисларга кутилмаган натижани тақдим этди. Ўтган турда ўз майдонида Наманганнинг «Навбаҳор-Н» футболчилари билан очко бўлишган (1:1) фарғоналиклар бу сафар Самарқандда устунлик қилишолмади — 2:1.

*Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди:*

**«Тўпаланг» — «Шўртан» — 2:0, «Бухоро» — «Насаф» — 1:0, «Навбаҳор-Н» — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 3:0, «Қизилқум-Олтин» — «Вобкент» — 1:0, «Машъал» — «Локомотив» — 4:1, «Трактор» — «Металлург» — 5:1.**

*22-тур ўйинлари 29-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.*

# "Челси"нинг омади юришмаяпти

**Хабарингиз бор, Англиянинг «Челси» (Лондон) жамоаси футболчилари Европа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг дастлабки турида Норвегиянинг «Русенборг» футболчилари билан дуранг (1:1) ўйнагач, бош мураббий португалиялик Жозе Моуриньо истеъфога чиқарилганди. Унинг ўрнига эса шу кунгача клуб спорт директори вазифасида ишлаган исроиллик Аврам Грант вақтинча бош мураббий этиб тайинланди.**

Англия миллий чемпионати еттинчи турининг марказий ўйини сифатида эътироф этилган «Манчестер Юнайтед» — «Челси» жамоалари учрашувида лондонликларни исроиллик мутахассис майдонга бошлаб тушди. Асабий руҳда кечган мазкур баҳсда Карлос Тевес ҳамда Луи Саа томонидан киритилган тўплар «Манчестер Юнайтед» жамоасига ғалаба келтирди, дея хабар қилади «Reuters» агентлиги.

Учрашувнинг 32-дақиқасида бош ҳакам Майк Дин лондонликлар ярим ҳимоячиси Жон Оби Микелни майдондан четлатди. Бу эса «Челси» вакиллари норозилигига сабаб бўлди. Натижада лондонликлар учрашув бош ҳаками устидан арбитраж судига арзнома топширди.

Мазкур ғалабадан сўнг, «Манчестер Юнайтед» ўз ҳисобидаги очколар сонини 14 тага етказиб, турнир жадвалининг иккинчи поғонасига кўтарилиб олди. Пешқадам «Арсенал» футболчилари ҳисобида 16 очко бор. «Челси» (7 учрашув, 11 очко) жамоаси эса ҳозирда олтинчи ўринни банд этган.

**Шаҳобиддин РАСУЛОВ**

Таклиф

# Шаҳарнинг ўз газетаси бўлса...

**Шарғун — кўмир конларига бой навқирон шаҳар. Ҳадемай унинг 70-йиллиги бўлади.**

Шуни ўйлар эканман, хаёлимга бир фикр келади. Нега Шарғундай шаҳарнинг ўз газетаси йўқ? Ваҳоланки, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва Андижон шаҳарлари ўз нашрлари — газеталарига эга.

Мана, янги — XXI асрда яшаб турибмиз. Шаҳар ўз газетасини чиқарса, деган ният бор эди. Ана шундай қилинганда биз муштарийлар ҳам шаҳримиз тарихи, унинг одамлари, кўҳна обида-ю тарихий ёдгорликлари ҳақида, меҳнат жамоалари ва кўмир random кончиларининг эришаётган ютуқлари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлардик. Ушбу таклифимни мутасаддилар балки ўйлаб кўришар?

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

## Билдирув

*ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!*

«Hurriyat» газетаси таҳририяти бошқа бинога — Матбуотчилар уйига кўчди. Шу муносабат билан янги манзилимизни маълум қиламиз: ***Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 6-қават.***

Телефонлар: **136-53-38, 133-32-58, 136-53-92**

*Мўлжал: метронинг Амир Темур хиёбони бекати ёки «Зарафшон» концерт зали.*

Хат ва телеграммаларни қуйидаги почта манзилига жўнатишингизни сўраймиз: **100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Hurriyat» газетаси таҳририятига.**

HURRIYAT Mustaqil gazeta O'zingni angla!
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел-факс: 136-53-38. Тел: 133-32-58, 136-53-92
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 24.00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-854 Т: 2266 1 2 3 4 6